2016 ЙИЛ 28 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 266–267 (13.329–13.330)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ





ИСТИҚЛОЛИМИЗ, ИСТИҚБОЛИМИЗ ВА ЭЗГУ НИЯТЛАРИМИЗ РАМЗИ

28 декабрь – Мустақиллик ва эзгулик монументи очилган кун

Она сайёрамиз бағридаги Ўзбекистон харитаси, парвозга шайланган турналар, осуда тин олаётган оқ лайлаклар, фарзандига меҳр-ла термилган бахтиёр она сиймоси, мармардан ишланган оппоқ йўлак...

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ғояси ва раҳнамолигида мамлакатимизнинг бош майдонида барпо этилган ушбу рамзлар эл-юртимиз ҳаётида чуқур маъно-мазмунга эга. Улар аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, бугунги бахтиёр авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимиз, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлида юксак марраларни забт этаётган азму шижоатли халқимиз қалбидаги эзгу ва беғубор орзулар ифодасидир.

...Биринчи Президентимиз Ислом Каримов 2005 йилнинг 28 декабрида Мустақиллик майдонида қад ростлаган янги монумент пойига илк гулчамбар қўйди. Давлатимиз раҳбарининг таклифига биноан ушбу муаззам мажмуага ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи – Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди.

Эзгулик аркаси бош майдонимизнинг ўзига хос рамзий дарвозасидир. Арка тепасидаги парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлаклар тинч ва осуда, фаровон ҳаётимиз тимсолларидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривожи учун пойдевор бўлаётган бақувват таянч асослар ифодасидир. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади.

Майдон кўркига кўрк қўшиб турган обидадаги зарҳал Ер шарида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитаси юртдошларимизда чексиз ғурур ва ифтихор туйғуларини жўш урдиради. Ушбу тасвир Ватанимиз дунё ичра ягоналиги, унинг жаҳон айвонида ўз ўрни, обрўси борлиги ва шуҳрати тобора юксалиб бораётгани рамзидир.

Мамлакатимиз истиқлол йилларида ўз кучи ва салоҳиятига таянган, сарҳадлари, тинч ва осуда ҳаётини ҳимоялашга қодир бўлган, бугун ичил ва барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган замонавий, мустақил ва суверен давлатга айланди. Халқимизнинг турли соҳаларда эришаётган улкан ютуқ ва марралари халқаро экспертларнинг ҳам эътирофига сазовор бўлаётир.

2005 йили Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси ифода этилган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустаҳкам ишончимиз акс этган, фарзандини бағрига босиб, унга шукроналик ва муҳаббат билан термилиб турган она сиймосида ҳар биримиз ўз волидамизни, беғубор болалигимизни, эътибор ва эъзозда камолга етаётган баркамол авлодни кўргандек бўламиз. Мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодаси ҳамдир.

Ўтаётган 2016 йилга Соғлом она ва бола йили, деб ном берилиб, ҳаётнинг мазмуни бўлган соғлом ва баркамол фарзандлар тарбиясига, уни бағрида ардоқлаб, эзгу фазилатлар руҳида камолга етказадиган, оила қўрғонининг чиройи ва чароғбони бўлган аёл зотининг ижтимоий мавқеини янада мустаҳкамлашга доир кенг кўламдаги чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани соғлом ва аҳил оила халқимизнинг эзгу мақсади, барча орзу-ҳаваслари мезонига айланганидан далолатдир.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни йирик халқаро мусобақаларга жўнатиш ёки юртимизда йирик халқаро кўрик-танлов ва мусобақаларни ўтказиш олдидан ушбу обида пойига гулчамбарлар қўйиш анъана тусини олди. Мамлакатимизга ташриф буюрадиган хорижий мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ва бошқа меҳмонлар Монумент пойига гулчамбар қўйиб, мустақил Ватанимизга ҳурматини ифода этади.

Мустақил ҳаёт остонаси сари одимлаётган келин-куёвлар Эзгулик аркасидан ўтиб, пок ният ва гўзал амаллар рамзи бўлган оқ мармарлардан юриб, Бахтиёр она пойига гул қўяркан, унинг сиймосида ўзларининг беғубор орзуларини кўради. Мустақиллик ва Эзгулик – аждодлардан мерос қадриятларимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, келажак авлодларга етказиш масъулиятини англайди.

Шу кунларда Мустақиллик майдони янада кўркам ва файзли қиёфага кирган. Янги йил байрами арафасида қад ростлаган улкан арчадаги турфа безаклар ва камалакранг чироқлар барчага завқ-шавқ улашмоқда.

– Бу ерга ҳар сафар келганимда ажиб бир сокинликни, унинг замирида мужассам бўлган мамлакатимиздаги осойишталикни янада теран ҳис қиламан, – дейди пойтахтлик Сайдулло бобо Мирзаев. – Шу билан бирга, бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз хаёлимдан ўтади. Ўша машъум хотиралар ҳар биримизни мустақиллик аталмиш энг улуғ, энг азиз неъматнинг, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етишга чорлайди. Истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамияти, ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчашмаси бўлганини янада чуқур англашга ундайди.

– Ҳар сафар Ватанимизнинг бош майдонини зиёрат қилганимда Мустақиллик ва эзгулик монументини айрича меҳр-муҳаббат билан кўздан кечираман, – дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Синдор Мирзалиев. – Бу қутлуғ обиданинг кўз илғамас, сирли жиҳатларини янгидан кашф этгандек бўламан. Монументда халқимизнинг ўлмас тарихи, бугуни ва бугунидан-да ёруғ келажаги намоён. Шу ҳақда ўйлар эканман, Ўзбекистон аталмиш муқаддас диёр фарзанди эканимдан фахрланиб кетаман.

Ҳа, Мустақиллик ва эзгулик монументи халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, улуғ тарихига садоқати, ҳамиша ёруғ манзилга умид ва ишонч билан интилиши, мустаҳкам иродаси ва юксак маънавий руҳи шарафига қўйилган нодир ва ўлмас обидадир. Зотан, ана шундай ноёб инсоний фазилатларга, юксак маънавиятга эга бўлган халқ ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди, ўзининг буюк мақсадларига албатта эришади.

(ЎзА)

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда “Маҳалла менинг тақдиримда” кўрик-танловининг Андижон шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Республика “Маҳалла” хайрия жамоат фонди ташаббуси билан ёшларни юксак маънавиятли, Ватанга муҳаббат ва миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш ҳамда уларда турли ёт иллатларга қарши мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган танловда олти жамоа белгиланган уч шарт асосида ўзаро баҳслашди.

● Тошкент ҳарбий округида ҳарбий хизматчилар оилалари учун кўп қаватли уй реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. 40 хонадонга мўлжалланган ушбу кўп қаватли турар жой биносининг атрофи ободонлаштирилди. Бу ерда яшовчи оилаларнинг фарзандлари учун бунёд этилган болалар майдончасига турли ўйин қурилмалари ўрнатилди.

● “Самарқанд китоб олами” маънавий-маърифий мажмуасида Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган адабий-бадиий кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилояти бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда таниқли шоир ва ёзувчилар, таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар, ёшлар ва адабиёт ихлосмандлари иштирок этди.

● Янги йил байрами арафасида Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Фарғона ҳудудий бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилди.

● Наманганда “Vodiy media” масъулияти чекланган жамияти фаолиятини бошлади. Бешта йўналиш бўйича фаолият кўрсатадиган “Vodiy media” масъулияти чекланган жамиятида ўндан зиёд янги иш ўрни яратилиб, уларга асосан ёш мутахассислар жалб этилди.

ЖАҲОНДА

● Япония пойтахти Токиодан 40 км. узоқликда жойлашган Тиба шаҳрида янги лойиҳа асосида замонавий турар жойлар барпо этилмоқда. Икки йилдан сўнг мазкур шаҳарда учар жисм — дронлар қатнови йўлга қўйилади. Қурилманинг қўниши учун биноларда махсус жойлар ҳам ҳозирланган. Мазкур лойиҳа ўзини оқласа, транспортларга ва йўлларга тушадиган “юк” 40 фоизга енгиллашади, тирбандликлар кескин камаяди. Шунингдек, туризм соҳаси ривожига ҳам яхшигина улуш қўшади.

● Ҳиндистонлик бадавлат тадбиркор Ажай Манот ёлғиз қизининг никоҳ тўйида 90 та бошпанасиз ночор оилага барча қулайликларга эга бўлган хонадон калитларини топширди. Яъни тадбиркор дабдабали тўйга сарф қилинадиган пулга ўзининг 0,8 гектар ерига ҳар бири 25 квадрат метр бўлган 90 та уй қуриб, никоҳ куни қизи ва куёви уй калитларини омадли эгаларига топширди.

● Қочқинлар масалалари бўйича халқаро ташкилотнинг жорий йил ҳисоботида таъкидланишича, 2016 йил мухожирлар учун энг аянчли ва ҳалокатли йил бўлди — дунё бўйича ўз она юртини тарк этишга мажбур бўлган етти минг киши ҳалок бўлган ёки бедарак йўқолган. Уларнинг ярмидан ортиғини Ўрта ер денгизида ўз сўнгги маконини топган кишилар ташкил этади.

● Microsoft компанияси LinkedIn ижтимоий тармоғини 26,2 миллиард долларга ҳарид қилиш тўғрисидаги битимни бекор қилди.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент шаҳар ҳокими қарорига мувофиқ 2016 йил 29 декабрь куни соат 11.00да халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг ўн саккизинчи сессияси ўтказилади.

Сессия кун тартибига қуйидаги масалалар киритилмоқда:

– Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг 2016 йил 9 ойлик ижроси ва 2017 йилга мўлжалланган бюджет параметрлари лойиҳаси тўғрисида;

– Тошкент шаҳри бўйича 2017 йил учун маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкалари тўғрисида;

– Тошкент шаҳрини 2017-2024 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари прогноз дастурини тасдиқлаш тўғрисида;

– 2016 йил “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг ижроси тўғрисида;

– “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан Чилонзор тумани ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим ва долзарб масалалари юзасидан ҳисоботи тўғрисида;

– “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни тўғрисида;

– Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича доимий комиссиясининг фаолияти тўғрисида;

– Тошкент шаҳридаги баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш тўғрисида;

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ишчи гуруҳининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида;

– Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва доимий комиссияларининг 2017 йилга мўлжалланган иш режасини тасдиқлаш тўғрисида ва бошқа масалалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди Пленумларининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд ва Олий хўжалик суди судьялари, фуқаролик, жиноят ва хўжалик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳуқуқшунос олимлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Олий суд раиси Ш.Ғозиев, Олий хўжалик суди раиси К.Комилов ва бошқалар мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш йўлида изчил ислоҳотлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Судҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берди. Унда суд ҳокимияти ва судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлашга қаратилган вазифалар белгиланган.

Олий суд ва Олий хўжалик суди ўртасида мустаҳкам амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Низоларни кўриб, ҳал этишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини аниқ ва бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида қўшма қарорлар қабул қилинган.

Қўшма йиғилишда Олий суд ва Олий хўжалик суди Пленумларининг айрим қарорларини амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг қўшма қарорларига қўшимча ва ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қарор лойиҳаси кўриб чиқилди.

Кўриб чиқилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисда “Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”, “Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини ижро этишга оид қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида” ва “Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Олий суд Пленуми қарорлари лойиҳалари кўриб чиқилди.

“Жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплашга оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги қарор лойиҳаси амалдаги қонунчиликка киритилган айрим ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи ўз вақтида қоплаш фуқаролар ва юридик шахслар, давлатнинг мулкий ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу боис қарорда суриштирув, тергов органи ва судларга жиноят натижасида етказилган мулкий зиённи қоплаш асослари ва тартибига оид қонунчилик талабларига оғишмай амал қилиш юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган.

“Жиноят ишлари бўйича суд қарорларини ижро этишга оид қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги қарор лойиҳасида судларга зарурат туғилганда, ҳукм чиқариш пайтида йўл қўйилган ҳар қандай шубҳа ва ноаниқликларни ҳукм моҳиятини ўзгартирмаган ва маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирмаган ҳолда ҳал этишга ҳақлилиги хусусида тушунтиришлар акс эттирилди.

Айрим ҳолларда қонуний кучга кирган суд қарорларини ижро этиш жараёнида ҳукм қилинган айрим тоифадаги шахсларнинг ҳукми ижросини кечиктириш, касаллиги туфайли жазони ўташдан озод қилиш, шартли жазони бекор қилиш, озодликни чеклаш жазо турларини бошқа жазо чоралари билан алмаштириш каби ҳолатлар учраб туради. Бу каби масалаларга доир материалларни судда кўриш тартиби ва муддатлари тўғрисида ҳам қарорда тегишли тушунтиришлар берилган.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг янги www.ombudsman.uz расмий веб-сайти, виртуал қабулхонаси ва "Ишонч телефони" тақдимоти бўлди.

OMBUDSMAN.UZ: ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Улуғбек Муҳаммадиев, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори вазифасини бажарувчи Ханс Ульрих Им ва бошқалар Ўзбекистонда инсон қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, миллий ва умуминсоний қадриятларни мустаҳкамлашнинг стратегик механизми шаклланганини алоҳида таъкидлади. Бу борадаги ҳуқуқий асос изчил такомиллашиб, аҳолига қулайликлар яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлар янада фаоллашаётгани ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга хизмат қилмоқда.

Биринчи Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига таянадиган, миллий ҳуқуқий тизим яратилган. Инсон манфаатлари барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мезони сифатида белгиланган.

Конституциямизда демократия умуминсоний тамойилларга асосланиши, унга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши ўз ифодасини топган. Фуқароларнинг шахсий, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган кўплаб қонунлар қабул қилинган.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига риоя этиш ва ҳимоя қилиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилингани бунинг ёрқин исботидир.

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори ҳамкорлигида Омбудсман интернет-ресурсининг модернизация қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, кенг жамоатчилик билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатиш, одамларимиз ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг ахборот олиш эркинлигини янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Веб-сайт мунтазам равишда инсон ҳуқуқларига доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, таҳлилий мақолалар, соҳага доир сўнгги янгиликлар билан бойитиб борилмоқда. Виртуал қабулхона орқали Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар мурожаат қилиши мумкин. Бунда электрон имзо талаб этилмайди.

Сайт орқали Омбудсманнинг фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш амалиёти натижалари, қонунчиликни такомиллаштириш, ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги фаолияти юзасидан мунтазам ахборот бериб борилади.

– Бағрикенглик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тинчлик ва барқарорликни таъминлашнинг муҳим асосидир, – дейди Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси матбуот хизмати бошлиғи Гулноза Раҳимова. – Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар жараёнида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига кўтарилаётгани мамлакатимиз тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг янги www.ombudsman.uz расмий сайти фаолиятининг йўлга қўйилиши бу борадаги ишларни янада кучайтиришига ишонамиз.

Д.КАРИМОВ,
ЎзА мухбири



Транспорт

ШАРОИТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

Ҳамшаҳарларимиз ва пойтахтимиз меҳмонларининг узоғини яқин қилишда замонавий транспот воситаларида элга хизмат кўрсатаётган автосаройларнинг катта ҳиссаси бор. Жумладан, "3-автобус саройи" масъулияти чекланган жамияти ҳам бу борада илғор автокорхоналар сирасига киради.

Жорий йилнинг ўтган 11 ойи натижаларига назар ташлар эканмиз бунинг гувоҳи бўламиз.

– Автосаройимизда жами 194 та автобус мавжуд бўлиб, 20 та йўналиш бўйича аҳолига хизмат кўрсатилади, – дейди "3-автобус саройи" МЧЖ директори Жамшид Умаров. – Чунончи, шу вақт давомида турли йўналишлар бўйича жами 28 миллиард 327 миллион 64 минг сўм тушум тушиб, даромад тушум пулининг бажарилиши 100,6 фоизни ташкил этди.

Автосаройда халқимиз узоғини яқин қилиш борасида намунали хизмат кўрсатаётган йўналишлар сирасига 85, 82, 149, 31, 65-йўналишлар киришини ҳамшаҳарларимиз яхши билишади. Автобусларнинг ўз вақтида техник соз ҳолда йўловчиларга хизмат кўрсатишида 25 йиллик стажга эга чилангар Холмат Сулаймонов каби соҳа захматкашларининг хизматлари катта. Карим Жамолиддинов, Анвар Рустамов, Хусниддин Зайниддинов ва Карим Жўраевлар эса кўп йиллик стажга, катта тажрибага эга илғор ҳайдовчилар сирасига киради.

Яхши дам – меҳнатга ҳамдам, дейишади. Дарҳақиқат, ишчи-ходимлар ижтимоий муҳофазасига муҳим эътибор қаратилган жойда ишда унум бўлади. Ушбу автосаройда ҳам бу муҳим масалага, жиддий эътибор қаратилди. Чунончи, автосарой жамоаси Қўйлиқ даҳасидаги 3-касалхонага бириктирилган бўлиб, ҳар бир ишчи-ходим ҳар йили профилактика кўригидан ўтади ва лозим топилганлари шу ерда соғлиқларини тиклашади.

Бундан ташқари корхона жамоаси касаба уюшмаси томонидан қўллаб-қувватланиб, меҳнат таълими вақтида ўзи хоҳлаган сиҳатгоҳида, масалан "Чимён", "Зомин", "Оқтош", "Турон", "Чинобод", "Бўстон" каби санаторийларда ҳордиқ чиқариш имкониятига эга.

Шунингдек, автосарой ҳайдовчи ва техник ходимларнинг фарзандлари ёзги таътил давомида мунтазам "Транспортчи" ва "Автомобилчи" болалар оромгоҳларида дам олишади.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ – ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Мамлакатимизда давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ, иқтисодиёт, маънавият соҳаларида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларнинг олий мақсади — юртимизда эркин, ҳуқуқий ва демократик давлат барпо этишдир.

Мустақилликка эришган дастлабки кунларимиздан бошлабоқ юртимизда ҳаммага таниш бўлган "ўзбек модели"га мос равишда ривожланишнинг талабларидан бири бўлган "бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш тамойили"ни илгари сура туриб, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов: "мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда" — деб таъкидлаган эдилар.

Ўтган 25 йил мобайнида ушбу йўналишда улкан ишлар ва кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Президентимизнинг 2015 йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонидан келиб чиқиб 2015 йилнинг 20 август куни қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди.

Мазкур қонун билан 40 дан ортиқ қонун ҳужжатларига тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини янада эркинлаштиришга қаратилган тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Агар ушбу қонун билан киритилган ўзгартиришларни таҳлил қиладиган бўлсак, бу ўзгартиришларнинг нақадар муҳимлиги, уларнинг ҳар бири ҳақиқатдан ҳам тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳимоясининг кафолати эканлигини кўришимиз мумкин.

Жумладан, бугунги кунда қўзғатилган жиноят ишлари бўйича текширувлар уларни ўтказишнинг барча босқичларида жалб этилган адвокатлар иштирокида уюштирилиши шартлиги каби норманинг киритилиши тадбиркорлик субъектининг фаолиятини айнан текшириш жараёнида ўз ҳуқуқлари ҳимоясини реал таъминлаш имконини беради.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада қўллаб-қувватлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларнинг муҳим йўналишларидан бири тадбиркорлар учун қулай ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 5 октябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони юқорида қайд этилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди ҳамда ушбу соҳада давлат сиёсатининг сифат жиҳатидан янги даражага ўтишидан далолат беради.

Мазкур Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг эркинлик бериш, уларнинг фаолиятига аралашувни тубдан қисқартиш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олди олинишини таъминлаш, уларнинг профилактикаси самарадорлигини оширишни энг муҳим устувор йўналиш ва давлат органларининг биринчи даражали вазифаси сифатида мустаҳкамлади.

Мазкур Фармон талабларидан келиб чиқиб, 2017 йилнинг 1 январидан бошлаб жуда аҳамиятли қуйидаги чоралар жорий этилиши белгиланмоқда, шу жумладан:

— тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари текширишларнинг барча турларининг бекор қилиниши (бундан юридик шахснинг тугатилиши билан боғлиқ текширишлар, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида фақатгина Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгашининг қарорига мувофиқ ўтказиладиган қисқа муддатли текширувлар мустасно);

— шунингдек, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини, шу жумладан, жиноят ишлари доирасидаги муқобил текширишларнинг барча турларининг бекор қилиниши;

— ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни биринчи марта содир этган шахслар ҳуқуқбузарлик аниқланган кундан эътиборан бир ой муддатда етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъекти сифатида рўйхатдан ўтган ва рухсат этувчи зарур ҳужжатларни расмийлаштирган тақдирда маъмурий ва жиноий жавобгарликдан озод этилишлари;

— тадбиркорлик субъектларига нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиноий жазо қўллашнинг тақиқланиши ва бошқалар.

Айтиб ўтиш керак, ушбу Фармонга мувофиқ тегишли давлат органлари олдига бажарилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар қўйилди.

Бугунги кунда Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда амалдаги қонунчиликни янада либераллаштириш мақсадида тегишли қонун ҳужжатлари ўрганилмоқда.

Фармондан кўзланган мақсад, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига давлат органларининг аралашувини тубдан қисқартириш, тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашганлик ва тўсқинлик қилганлик, уларнинг фаолиятини асоссиз тўхтатиб қўйганлик учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормалари талаблари қатъий бажарилишини таъминлашдан иборат.

Давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашиши, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг бузилишига доир масалалар бўйича мурожаатларни туну кун қабул қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг "Мурожаатларни телефон орқали қабул қилиш маркази" ташкил этилди. Бу ҳам Фармон талабларидан келиб чиққан ҳолда тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади.

М.РАДЖАПОВА,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси,
адлия маслаҳатчиси
Н.МИРАҲМЕДОВА,
Олий ўқув курсларининг ўқитувчиси,
1-даражали юрист

Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигига

ДИЛЛАРГА КЎЧГАН ШЕЪРИЯТ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 7 декабрдаги "Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов таваллудининг 80 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги Қарори асосида мамлакатимиздаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, умумий ўрта таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда таниқли адиб ва олимлар, санъаткорлар иштирокида учрашувлар ва адабий кечалар ўтказилмоқда.

Ёшлар ижод саройида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши вакиллари, партиянинг "Ёшлар қаноти" ва "Аёллар қаноти" етакчилари, адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, ёш ижодкорлар, санъаткорлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида ташкил этилган тадбир шулардан бири.

"Дилларга кўчган шеърият" деб номланган хотира кечасида Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов Ватан, инсон эрки, муқаддас заминимизни улуғлаб битган шеър ва ғазаллари, достонлари, драмалари билан ўқувчилар қалбидан мустаҳкам ўрин эгаллаган етук ижодкор экани таъкидланди.

Шоирнинг "Юрак ва ақл", "Менинг юлдузим", "Муҳаббат", "Тирик сайёралар", "Шарқий қирғоқ", "Келажакка мактуб", "Бедорлик", "Муҳаббатнома", "Садоқатнома", "Куй авжида узилмасин тор", "Яхшидир аччиқ ҳақиқат" шеърий тўпламларида она тилимиз имкониятларидан моҳирона фойдалана олгани янада яққолроқ акс этган.

Тадбирда партиянинг марказий кенгаши қошида Эркин Воҳидов номидаги ёш қаламкашлар клубининг очилиш маросими ўтказилди. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шоир таваллудини кенг нишонлаш тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш ҳамда партиянинг сайловолди дастурида белгиланган миллий ўзликни англаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларни "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, ижодкор ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаш ушбу клубнинг асосий мақсадидир.

Тадбир доирасида ўтказилган онлайн мулоқотда юртимиз ва хорижда Эркин Воҳидов ҳаёти ва ижоди катта қизиқиш билан ўрганилаётгани яна бир бор ўз тасдиғини топди.

Шоир шеърлари асосидаги ёшлар мушоираси, таниқли санъаткорлар ижросидаги куй-қўшиқлар кечага ўзгача шукуҳ бағишлади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, йиғилишда "Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор лойиҳаси муҳокама қилинди. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши судлар ва жазони ижро этиш органлари учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки шу кунга қадар жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштириш билан боғлиқ илтимосномаларни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас эди. Шу боис ҳам судьялар ушбу тоифадаги ишларни кўришда муайян муаммоларга дуч келаётган эди. Мазкур қарор лойиҳасининг қабул қилиниши амалиётдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириб, бу борада юзага келаётган масалаларни ҳал этиш имконини яратади.

Жазони ўташдан муддатидан илгари озод қилиш ва жазони енгилроғи билан алмаштиришга оид қонун талабларини аниқ ва оғишмай бажариш маҳкумларни қайта тарбиялаш, такроран жиноятлар содир этилишининг олдини олиш ҳамда инсонпарварлик принципини амалда таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Йиғилишда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама этилди.

Муҳокама қилинган Пленум қарорлари лойиҳалари амалдаги қонун нормаларини аниқ ва бир хилда қўллаш орқали ягона суд амалиётини шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одил судлов самарадорлигини янада оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА)

СУВ ВА АТРОФ-МУҲИТ МУСАФФОЛИГИ – САЛОМАТЛИГИМИЗ ГАРОВИ

Она-ер, Она-замин... Эл юртни боқадиган, кийинтирадиган, ҳаётимиз, борлиғимиз асоси бўлган мана шу заминни, ерни Она даражасида улуғлаш, эъзозлаш лозимлигини ҳаммамиз яхши англаймиз. Инчунун, табиатнинг энг бебаҳо инъоми, неъмати – бу сувдир.

Сув инсон, ҳайвонот ва ўсимликлар ҳаёти учун зарур бўлган атроф-муҳитнинг энг муҳим воситаларидан биридир. Сув инсоннинг табиий муҳитда яшаши учун ҳаво каби зарур омиллар қаторига киради.

Шу сабабли аҳолини сув билан таъминлаш энг муҳим гигиеник вазифалардан бири бўлиб қолганлиги ўз-ўзидан маълум.

Дарҳақиқат, одам организми аслида сув эритмаси бўлиб, унда модда алмашинувининг барча жараёнлари содир бўлади. Сув модда алмашинувида қатнашиб, буйрак, ўпка, ичак ва тери орқали инсон организмидан ажралиб чиқади. Хуллас, хамма нарса сув билан тирикдир.

Ҳақиқатдан ҳам, сув танқислиги сезилаётган шароитда сувдан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланишимизга тўғри келади. Бу масала юзасидан кўп маротаба, яъни, ичимлик сувидан иложи борича унумли фойдаланиш борасида оммавий ахборот воситаларида доимо таъкидлаб ўтилади.

Бу тўғрида "Уммон олдида турсанг ҳам, бир томчи сувни исроф қилма" – деган ҳаётий ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган.

Яна бир гап. Манбаларда келтирилишича, Японияда одамларга баҳо беришда унинг сувга бўлган муносабати ҳам инобатга олинар экан. Хўш, бизда бу борада аҳвол қандай? Тошкент каналлари, чунончи, Бўзсув, Чирчиқ, Бўрижар, Салор, Кайковус ва бошқа каналларнинг ҳолати қониқарли даражада эмас. Ана шу масалага, яъни, шаҳримиз каналларида сувларнинг тоза ва озода бўлиши, уларнинг атрофини янада ораста ва обод этишга эътибор кучайтирилса нур устига нур бўларди. Зеро, сувга эътибор – элга эътибор дейміз. Кимки, сувнинг кадрига етмаса, ўзининг ва бинобарин, элининг ҳам кадрига етмаган бўлади.

Серқуёш Ўзбекистон, жаннатмакон диёримиз атроф-муҳитини муҳофаза қилишда, нормал ҳарорат, намлик ва ҳаво иқлимини мўътадил сақлашда ва яхшилашда сув катта аҳамият касб этади, албатта. Шу боисдан ичимлик сувидан ташқари оқар сувлардан унумли фойдаланилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бунинг учун шаҳарда қурилиш ишлари олиб борилаётганида, бош режалар тузилаётган пайтда, мутасадди ходимлар билан биргаликда шаҳар ободонлаштириш бошқармаси ҳодимлари шаҳар бўйлаб сув шохобчаларининг тақсимланиши ва йўналишларини кўзда тутсалар, бунда сувларнинг яна бир ерга йиғилиб, исроф бўлмасдан катта сувга қўшилиб, йўлида давом этишига ҳаракат қилинса бу пойтахтимизнинг иқлим шароитини мўътадил сақлашга ҳам катта ёрдам берарди.

Шуни ҳам айтиш ўринлики, айрим фаррошлар ариқларга супуриндиларни бемалол супуриб юбораверадилар. Натижада ариқларда сув ўрнига чиқиндилар жамланиб, атроф-муҳитни ифлослантирмоқда. Яна шу нарсани таъкидлаш керакки, ҳазонрезги пайтида кўп ҳолларда кўчаларда ва айрим жойларда тўпланиб қолган хазонларни фаррошлар ва баъзи бир инсонлар бепарволик билан ёқиб юборaверадилар. Бу эса атроф-муҳитни ифлослантириш у ёқда турсин, соғлиққа катта зарар етказади. Айниқса, чангга тўйинган хазонлардан карбонат ангидрид ажралиб чиқиб, ёш болаларга ёмон таъсир қилади ва турли хил касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Қисқа қилиб айтганда, серқуёш республикамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг озода, кўркам ва файзли, ҳамманинг хаваси келадиган бўлишини жуда ҳам хоҳлаймиз ва бу борада ҳаммамиз ҳамжиҳат бўлсак айни муддао бўларди.

Аҳмадхон ХЎЖАХАНОВ,
меҳнат фахрийси,
фан номзоди

Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ёшларни, авваламбор олий таълим муассасалари, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этишда бир қатор имтиёз ва преференциялар яратилган.

ЁШЛАРИМИЗ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 28 июлдаги "Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига кўра микрофирма ва кичик корхоналар томонидан республиканинг касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчилари билан меҳнат шартномалари тузилганда, банд ходимларнинг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида белгиланган чекланган нормативдан кўпи билан 50 фоиз оширилган ҳолларда, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бунда ходимлар сонининг оширилишига касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларининг ўқишни якунлаган кунидан бошлаб 3 йилдан ортиқ вақт ўтмаган тақдирдагина йўл қўйилади.

Мазкур мезонлар Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 5-моддасида ўз аксини топган. Шунингдек, Қонуннинг ушбу моддасига кўра кичик корхона уйда ишлаётган фуқаролар (касаначилар) билан меҳнат шартномалари тузган тақдирда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фоиз ошадиган бўлса ҳам кичик корхоналар учун назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар уларда сақланиб қолади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 375-моддасига кўра, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари коллежни тамомлагандан кейин ўн икки ой ичида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган тақдирда, шу санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Агарда якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ўн икки ой ичида фаолият тугатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги" Фармонида ҳам хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ёшларни тадбиркорликка жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Жумладан, мазкур Фармонга кўра 2015 йилнинг 1 июлидан якка тартибдаги тадбиркорларга, фаолиятидан келиб чиққан ҳолда, ҳар бир ёлланган ишчи учун Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида суғурта бадали ва якка тартибдаги иш берувчи тадбиркор учун белгиланган солиқ ставкасининг 30 фоизи миқдорида солиқ тўлаш шарти билан бир нафардан уч нафаргача ишчи ёллаш ҳуқуқи берилган. Шунингдек, якка тартибдаги тадбиркорлар касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга ёллаган ҳолатда коллежни битиргандан бошлаб ўн икки ой мобайнида ёлланма ишчилар учун белгиланган солиқдан озод этилади.

Хулоса қилиб айтганда, республикамизда яратилаётган бундай қулай имкониятлар ёшларни тадбиркорликка кенг жалб этиш, янги иш ўринларини яратиш ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга кенг замин яратади.

Юнусжон НАСИМДЖАНОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Мулоҳаза

Бугун биз ҳаммамиз учун энг бебаҳо ва қадрли бўлган оилалар ҳақида сўз юритар эканмиз, авваламбор ҳар биримиз ўз оиламизнинг оддий бир вакили эканлигимизни, оиламизнинг равнақи ва истиқболи учун масъуллигимизни чуқур англаган ҳолда фикр юритишимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

ОИЛА – МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Шу ўринда Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан Тошкент шаҳрида оила муносабатларини янада мустаҳкамлаш, никоҳдан ажратиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида халқимизнинг тарихий анъаналари, урф-одатлари, миллий ва маънавий қадриятларини ҳисобга олган ҳолда давлат ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлигини янада кучайтириш жоиз.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари билан ёш оилаларни сақлаб қолиш бўйича ҳамкорликда олиб борилаётган амалий чоралар ҳам бугунги кунда ўзининг самарасини бераётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда фуқаролик судларига никоҳдан ажратиш ҳақидаги ишларни кўришда оилаларни мустаҳкамлаш, эр-хотин ва фарзандларнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга мазкур тоифадаги ишларни кўришда эътиборни янада кучайтириш зарур. Шу билан бирга маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллалардаги яраштириш комиссияларини ишга жалб қилиш чораларини кўриш никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъво аризаларига қўшимча равишда қоида тариқасида маҳалла яраштириш комиссияларининг хулосаларини олиш мақсадга мувофиқдир.

Тарафларга тушунтириш, суд мажлисларида ҳар иккала тарафнинг иштирокини таъминлаган ҳолда иш олиб бориш, оилани сақлаб қолиш масаласида суҳбат ўтказиш, оиланинг бузилишига сабаб бўлган ҳолатлар аниқланганда, айбдор бўлган эр ёки хотинга ҳамда бошқа шахсларнинг номуносиб хулқ-атворларидан далолат берувчи фактларга нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан тегишли муносабат билдириш шарт. Жумладан, унинг ижроси юзасидан маълумотларни талаб қилиб олиш ва хусусий ажримларнинг ижроси таъминланишини назорат қилиб бориш, судлар томонидан олиб борилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш, жамиятимизнинг асосий таянчи бўлган ёш оилаларга бўлган эътиборни кучайтириш, уларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш мақсадида маҳалла институти ролининг янада кучайганлигини, мақоми ошганлигини инобатга олиб, ҳуқуқий тарғибот ишларини никоҳдан ажратиш ҳолатлари кўпроқ бўлган, милий қадриятлар ва урф-одатлар маскани ҳисобланган маҳаллаларда, маҳалла қўмитаси раислари, яраштирув комиссиялари аъзолари, хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси аъзоларининг иштирокида олиб бориш;

янги оила қуриш бўсағасида турган, ҳаётнинг оғир синовларига тайёр бўлмаган никоҳга кирувчи йигит-қизларга, коллеж, академик лицей ва олий ўқув юртлари талабаларига юртимизда содир бўлаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини, оила қонунчилигининг асосларини, никоҳга киришнинг асл моҳиятини, оилада юзага келиши мумкин бўлган қийинчиликларга тайёр бўлиш, бўлажак эр-хотинга ота–она бўлишдек улкан вазифаларни ўз зиммаларига олаётганликларини англатиш, уларга мустаҳкам оила туйғуларини сингдириб бориш, ота-оналик масъулияти ва кўникмаларини олиб борилаётган хуқуқий тарғибот ишлари орқали мунтазам равишда тушунтириб бориш зарур.

Таҳлилларга кўра, сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида ёш оилалар ўртасида ажралиш ҳолатлари кўпайганлигини ёш оилалар ота ёки она бўлишдек масъулиятни ҳис этмаётганликлари бўлса, иккинчи томондан қайнона, қайнота ва бошқа шахсларнинг асоссиз равишда аралашуви сабаб бўлаётганлигини, низоларнинг асосий қисмини қайнона ва келин ўртасидаги можаролар ташкил этаётганлигини кўрсатмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда асосий тушунтириш ва тарғибот ишларининг маҳаллалардаги қайноналар ўртасида олиб борилаётганлигини, оиланинг барбод бўлишига сабабчи бўлган қайнона ва қайноталарга маҳалла фаоллари томонидан тегишли муносабат билдирилиб, ушбу тадбирлар бугунги кунда оз бўлсада ўзининг самарасини бераётганлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчимиз ва бу борада олиб борилаётган ишларимизни доимий равишда маҳалла фаоллари, яраштириш комиссиялари аъзолари, хотин-қизлар қўмиталари иштирокида ва уларни бевосита жалб этган ҳолда давом эттирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, судларга никоҳдан ажратиш ҳақидаги даъволар билан мурожаат қилган низоли оилалардаги шарт-шароитларни, оиланинг бузилишига олиб келган сабабларни чуқур ўрганиш ва оилани сақлаб қолиш чораларини кўриш, уларга ўз вақтида тўғри маслаҳат бериш, юзага келган муаммонинг ечимини топишга кўмаклашиш, оиланинг тўғри йўлга тушиб олишига таянч ва суянч бўлиш учун маҳаллалардаги яраштириш комиссиялари билан ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлигини тавсия этамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, соғлом ва мустаҳкам оилани шакллантиришда ёшларнинг қайси ёшда оилавий ҳаётга қадам қўйишлари жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Соғлом оила яратишнинг асосий шартларидан бири эр-хотиннинг биологик ва маънавий етук ёшда турмуш қуришларидир. Бугунги кунда ажралиш даражаси эрта никоҳ қурган ёшлар ўртасида, таълим муассасаларида, коллеж ва лицейларни эндигина тугатган ёки ўқишни давом эттираётган талабалар ўртасида жуда кўп бўлиб, ота-онасининг бағрида болалик орзулари билан яшаган, мустақил турмуш қуриш, она бўлишдек улкан вазифага руҳан тайёр бўлмаган қизларнинг бошқа хонадонга келин бўлиб тушганларида, болалик муҳитида юрган қиздан жуда кўп вазифаларни бажариш талаб этилади. Ушбу талабларни бажаришга тайёр бўлмаган қизларнинг қийналиб қолишига, оилада келишмовчиликларнинг келиб чиқишига, ўзи ёш бўла туриб она бўлишдек улкан вазифани ўз зиммасига тушунмасдан олаётганлиги ҳолатлари ҳам турли низоларни юзага келтириш билан бирга никоҳларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Биз қизларимизни эрта турмушга узатишдан олдин, уларни касб-ҳунарга ўргатиш, ҳуқуқий онги ва маънавиятини юксалтириш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Арзимаган сабаблар билан оилани барбод этиш албатта болаларнинг тарбиясига салбий таъсир этади. "Боланинг уволи тутади" дейишади доно қарияларимиз. Дарҳақиқат, увол ва савобни билмайдиган, норасидаларининг етим қолишини ўйламайдиган ота-оналарнинг орамизда борлиги жуда ачинарли ҳолатдир. Бундай ҳолатнинг вужудга келишига ёшларнинг оила қуришга тайёр эмаслиги, йигитларимизнинг оила масъулиятини сезмаслиги, уларнинг ҳуқуқий билим ва саводхонлик даражасининг пастлиги, маънавиятининг йўқлиги ва оилада соғлом турмуш тарзини юритмаганлигидадир.

Бугунги кунда аксарият нохуш ҳолатлар нотўлиқ оилалар ўртасида юзага келмоқда. Буларнинг барчаси ажралишлар оқибатида юзага келаётганлигини, бугунги кунда аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни гапириш лозим.

Оилалар ҳақида сўз юритар эканмиз, оила қургач эр-хотин ўртасида юзага келаётган мол-мулк низоларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Оилаларда юзага келаётган мол-мулк, турар жой низоларининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 29-моддасида белгилаб қўйилган никоҳ шартномасининг мазмуни, унинг афзалликларини никоҳга кирувчиларга доимий равишда тушунтириб бориш ишларини ФҲДЁ органлари ходимлари зиммасига юклаш билан бирга никоҳга кирувчиларга никоҳ шартномасини тузишлари шартлигини қонун асосида белгилаб қўйиш лозим.

Чунки мазкур шартномани тузиш орқали никоҳга кирувчилар ўзларининг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб олиш билан бирга, низо келиб чиққан тақдирда ҳар бирига тегишли бўлган мулкларга низосиз тартибда эгалик қилиш ёки тасарруф этиш имкониятига эга бўладилар.

Мухтасар қилиб айтганда, биз доимий равишда соғлом турмуш тарзини юритишимиз ва уни тарғиб қилишимиз лозим. Соғлом турмуш тарзи ҳар бир оила ва ҳар бир оила аъзосининг ақлий, маънавий, руҳий ва жисмоний хусусиятларга эга бўлишга хизмат қилади. Шундай экан, ҳар биримиз мустаҳкам оила қуриш, соғлом фарзандни дунёга келтириш, уни соғлом ва бақувват қилиб тарбиялашни ўз зиммасига олиш билан бирга маънавиятга йўғрилган суҳбатларни фарзандлар билан мунтазам олиб бориш лозим.

Насиба НАЖМИТДИНОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг катта мутахассиси

Сўранг, жавоб берамиз

Ишга қабул қилиш жараёнида дастлабки синов муддати қандай қонун-қоидаларга мувофиқ белгиланади.

Ш.ҒАНИЕВ,
Шайхонтоҳур тумани

– Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 84-ва 85-моддаларига асосан: иш берувчи ходимни ишга қабул қилишда уч ойдан ошиб кетмаган муддатга дастлабки синов муддати белгилаши мумкин. Бунинг учун меҳнат шартномаси тузилишида дастлабки синов муддати белгиланиши ҳақида келишиб олинади. Бу муддатни белгилаш иш берувчининг ҳуқуқи бўлиб, хоҳласа синов муддати белгилайди, хоҳламаса белгиламайди. Иш берувчи меҳнат шартномасини: Ходимнинг топширилаётган ишга лаёқатлилигини текшириб кўриш; ходим меҳнат шартномасида шартлашилган ишни давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида бир қарорга келиши мақсадида дастлабки синов шарти билан тузиши мумкин.

Меҳнат кодексининг 84-моддасида белгиланган алоҳида қоидага кўра, дастлабки синовни ўташ ҳақида меҳнат шартномасида шартлашилган бўлиши лозим. Бундай шартлашув бўлмаган тақдирда ходим дастлабки синовсиз ишга қабул қилинган ҳисобланиши белгиланган.

Азиза БОҚИЖОНОВА,
Зафар МАМАРАИМОВ,
Сергели тумани, 1-сонли ДНИ нотариуслари

* * *

Оғзаки тартибдаги шартнома нима? Низо юзасидан иш судда кўрилганда оғзаки шартнома инобатга олинадими?

Т.ШАВКАТОВ,
Чилонзор тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ, битимлар оғзаки ёки ёзма, яъни оддий ёки нотариал тасдиқланган шаклда тузилади.

Қонун ҳужжатларида ёки тарафларнинг келишувида ёзма шакл белгилаб қўйилмаган, жумладан тузилаётган вақтнинг ўзидаёқ бажариладиган битим оғзаки тузилиши мумкин. Шахснинг хатти-ҳаракатидан унинг битим тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб тургани ҳолда ҳам бундай битим тузилган ҳисобланади.

"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунга кўра, тузилган заҳотиёқ бажариладиган шартнома қоида тариқасида, оғзаки шаклда тузилиши лозим.

Фуқаролик кодексининг 733-моддасига мувофиқ, фуқаролар ўртасида агар қарз миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан кам бўлса, қарз шартномаси оддий оғзаки тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин.

Қарзни ундириш ҳақидаги иш судда кўрилишида, албатта, оғзаки шартноманинг инобатга олиниши белгиланган.

Камолиддин ҚАМБАРОВ,
Мирзо Улуғбек тумани, 7-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Меросдан воз кечиш қанча муддатда ва қандай тартибда амалга оширилади? Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши ҳам мумкинми?

Э.ҒАНИЕВ,
Юнусобод тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига асосан меросхўр ўзининг ворисликка чақирилганини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошлаб олти ой ичида меросдан воз кечишга ҳақли. Узрли сабаблар бўлган тақдирда бу муддат суд томонидан кўпи билан икки ойга узайтирилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати махсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин.

Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас. Меросдан воз кечиш учун ўзига берилган муддат ўтганидан кейин меросхўр бундай ҳуқуқни йўқотади. Агар меросхўр мерос қолдирилган мол-мулкни эгаллашга амалда киришган ёхуд уни тасарруф этган ёхуд ўзининг ана шу мол-мулкка бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатларни олиш учун мурожаат этган бўлса ҳам меросдан воз кечиш ҳуқуқини кўрсатилган муддат ўтмасиданоқ йўқотиши белгиланган.

Ҳабибулло АТАКУЗИЕВ,
Юнусобод тумани, 9-сонли ДНИ нотариуси

* * *

Қарз бериш, уни қайтариб олишда қанча саргардон бўлмасин, барибир одамлар бир-бирларига қарз бераверади. Қарз бераётганда нимага аҳамият бериб, қандай тартибда қарзни қонунийлаштириб олиши керак?

О.ЗОҲИДОВА,
Миробод тумани

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан қарз бераётган шахс пул ёки ашёларни қарз олувчига топширган пайтдан бошлаб қарз шартномаси тузилган ҳисобланади. Шартнома оғзаки ва ёзма тартибда тузилиши ҳам мумкин. Оғзаки тартибдаги шартномалар кўпинча шу пайтнинг ўзида бажарилиши билан характерли. Фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг миқдори энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт.

Масалан, қарздорни қарзни қайтариш ҳақида огоҳлантирганингиздан кейин ҳам натижа бўлмади, дейлик. Бундай пайтда энди сизнинг манфаатларингизни суд ҳимоя қилади. Судга мурожаат қилишдан аввал, ўзингизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз билан яқиндан танишиб олинг. Вақтида қайтарилмагани учун берилган миқдордаги қарзни қайтариб олиш билан бирга қарздорни келишувни бузгани учун қонунда назарда тутилган миқдорда фоизлар тўлашини талаб қилишингиз мумкин.

Фуқаролик кодексининг 736-моддасига биноан, агар қарз шартномасида қарз бўйича фоизларни қарзнинг ўзини қайтариш муддатидан олдин тўлаш назарда тутилган бўлсаю лекин бу мажбурият бузилган тақдирда, қарз берувчи қарз олувчидан қарз миқдорини тегишли фоизлари билан бирга муддатидан олдин қайтаришни талаб қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.

Икромжон ИСМОИЛОВ,
Фаррух САМАДОВ,
Юнусобод тумани, ДНИ нотариуслари

Реклама ўрнида

ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

"ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТ"
холдинг компанияси жамоаси
Сизларни кириб
келаётган янги – 2017 йил
билан самимий қутлайди.
Янги йил юртимизга қут-барака,
тинчлик-фаровонлик,
ҳар бир хонадонга файзу
тароват бахш этсин!

Мамлакатимизда
тадбиркорлик янада
ривож топсин!

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ ВА ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ЖАМОАСИ



ҳамюртларимизни Янги 2017 йил — "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" билан чин дилдан муборакбод этади.
Она Ватанимиз узра эсаётган Янги йил насимлари ҳар бир хонадонга, ҳар бир гўшага қувонч ва шодлик олиб келсин.
Қалбингизда уйғонаётган ёруғ ниятларингизнинг рўёбга чиқишига тилакдошмиз.

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

"2-АВТОБУС САРОЙИ" МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

барча ҳамшаҳарларимизни янги – 2017 йил билан самимий қутлайди.
Энг яхши ниятларингиз, эзгу тилакларингиз рўёбга чиқсин. Хонадонингиз қут-баракага, файзу тароватга ва болажонларнинг беғубор кулгуларига тўлсин.
Халқ фаровонлиги, юрт ободлиги йўлидаги ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз!

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗЛАР!



Азиз ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!

Сизларни кириб келаётган 2017 йил - "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" билан самимий табриклаймиз.
Юртимиз тинч, осмонимиз муфаффо бўлсин.
Жонажон диёримиз янада гуллаб яшнасин.
Янги йилда режалаштираётган барча ишларимиз рўёбга чиқсин.
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ЧЭИИ "Бектемир-спирт эксперементал заводи" АЖ жамоаси

Реклама ўрнида

“ИСТИҚЛОЛ САНЪАТ САРОЙИ” ДУК ЖАМОАСИ



Юртдошларимизни янги 2017 йил билан муборакбод этади. Яратувчанлик руҳи билан яшаётган барчангизга кўнгил ободлиги ва оила бахтиёрлиги ҳамиша ҳамроҳ бўлсин. Қилаётган меҳнатларимиз, эзгу саъй-ҳаракатларимиз юртимизга , оилаларимизга бахт ва омад олиб келсин. Тўю тантаналар, байрамлар бардавом бўлсин!



АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Барчангизни фусункор табиатнинг бебаҳо зийнати ила ҳар биримизнинг қалбимиздан жой олган Янги йил байрами билан самимий қутлаймиз. Дилларимиз шод, хонадонларимиз обод, фарзандларимиз парвози янада баланд бўлсин!

“TOSHISSIQQUVVATI” ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



2017

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

Барчангизни файз-тароват ила кириб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклаймиз. Янги йил арафасида энг эзгу ниятларимизни сизга армуғон этамиз. 2017 йилда юртимизда тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлсин. Мамлакатимиз янада тараққий этсин. Бозорларимизнинг тўкин-сочинлигидан дилларимиз қувончга тўлсин. Хонадонларимиздан барака аримасин. Ҳаммангизга Янги йил муборак бўлсин!

“ЎЗОЗИҚОВҚАТЗАҲИРА” УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI
TOSHKENT SHAHAR HUDUDIY BOSHQARMASI

ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

қадрли юртдошларимиз ва пойтахтимиз меҳмонлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини обод диёримизга файзу барака бахш этган ҳолда кириб келаётган Янги йил байрами билан чин кўнгилдан табриклайди. Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз. Фурсатдан фойдаланиб Палата томонидан кўрсатилаётган хизматлар билан бошқарманинг www.tssp.uz сайтида танишишингиз мумкинлигини эслатиб ўтамиз.

Хизматлар лицензияланган

Реклама ўрнида

“ТОШКЕНТ ОЗИҚ-ОВҚАТ ЗАҲИРАСИ” ДАВЛАТ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



барча ҳамшаҳарларимизни кириб келаётган янги 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” билан чин дилдан қутлайди. Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилаб қоламиз. Кўнглингиздан нур, қалбингиздан меҳр аримасин!

ЎЗБЕКИСТОН МУДОФААСИГА КЎМАКЛАШУВЧИ “ВАТАНПАРВАР” ТАШКИЛОТИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

юртдошларимизни қутлуғ қадамлар билан кириб келаётган Янги 2017 йил – “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” билан чин дилдан табриклайди. Эл-юртимиз фаровонлиги йўлидаги барча ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди. Йил давомида яхши кайфият ва омад сизларни асло тарк этмасин. Оилангизга бахту саодат ёр бўлсин, хонадонларингиздан тинчлик-хотиржамлик ва файзу барака аримасин!

Ташкилотимизнинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари мудофаа қудратини мустаҳкамлашга кўмаклашиш, ёшлар ва фуқароларни меҳнатга ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлаш, ташкилот тизимида ёшлар ва фуқаролар ўртасида Ватанни ҳимоя қилиш ҳақидаги ғояларни тарғиб этиш ва ёшларни харбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби вазифаларни бажаришда давлат ташкилотларига кўмаклашишдан иборат.

Шу билан бирга шаҳар Кенгаши тасарруфидаги ташкилотларда халқ-хўжалигига оммавий касб ходимларини, шу жумладан “В”, “ВС”, “С” тоифадаги ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш йўлга қўйилган.

Мурожаат учун телефонлар:

Тр	Ташкилот номи	Телефон:
1.	Бектемир ўқув спорт-техника клуби	295-12-62
2.	Миробод ўқув спорт-техника клуби	291-14-07
3.	М.Улуғбек ўқув спорт-техника клуби	261-26-33
4.	Олмазор ўқув спорт-техника клуби	229-29-47
5.	Сергели ўқув спорт-техника клуби	150-22-04
6.	Учтепа ўқув спорт-техника клуби	275-65-13
7.	Чилонзор ўқув спорт-техника клуби	277-06-19
8.	Шайхонтоҳур ўқув спорт-техника клуби	242-43-73
9.	Юнусобод ўқув спорт-техника клуби	235-71-80
10.	Яккасарой ўқув спорт-техника клуби	250-44-81
11.	Яшнобод ўқув спорт-техника клуби	291-29-62
12.	Тошкент Биринчи техника мактаби (М.Улуғбек тумани)	269-30-55



Хизматлар лицензияланган

БОЛАЛИКНИНГ БЕҒУБОР ДАМЛАРИ



Ёшлар ижод саройида “Ширинтой болажон” фототанловининг якуний босқичи ҳамда тақдирлаш маросими ўтказилди.

Танлов Тошкент шаҳар ҳокимлиги, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши, Ўзбекистон Бадиий академияси билан ҳамкорликда “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг ижроси доирасида ташкил этилди.

— Ўзгача йўналишда ташкил этилган танловда умумий ҳисобда 1020 нафар иштирокчилар рўйхатга олинди ва ўз фотосуратлари билан қатнашди, — дейди “Камолот” ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, “Камалак” болалар ташкилоти раиси Бобур Мирзаев. — Бу йил илк маротаба ташкил этилган мазкур танловдаги расмлардан ўсиб келаётган авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилаётгани акс этганини кўриш мумкин.

Икки босқичда ташкил этилган танлов шартига кўра, ота-оналар фарзандларининг расмларини Instagram ва Facebook ижтимоий тармоқларида онлайн тарзда жойлаштириб боришди. Танловнинг биринчи босқичи жорий йил 11 декабрга қадар давом этди. Якуний босқичда энг кўп овоз олган 20 иштирокчи қатнашди.

– Мен ушбу танловда 3 ёшли қизим Шодиянинг туғилган кунида эсдалик учун олинган суратини ижтимоий тармоққа жойлаштириб, қатнашдим, – дейди танлов иштирокчиларидан бири, уй бекаси Камола Назарова. – Ноанъанавий тарзда ташкил этилган танловда фарзандим ўзининг расмини таниб қувонганини кўриб жуда хурсанд бўлдим. Ота-она учун фарзандининг хурсандчилигини кўришдан ортиқ бахт йўқ. Митти ўғил-қизларнинг турли ҳолатдаги расмларини кўриб, обод юртнинг бахтли фарзандларига кўз тегмасин, деб ният қилдим.

Танлов натижаларига кўра ғолибларга “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг дипломи ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

Инсонларга ато этилган неъматлар ичида энг аълоси саломатликдир. Саломатлик бор жойда фаровонлик бўлади, кўнгилларга ўйин-кулгу, шоду хуррамлик сиғади. Бу ҳақиқатни каттаю кичик, ёшу қари яхши англайди. Шу боисдан ҳам кишилар бир бирлари билан учрашиб қолган пайт энг аввало соғлик-саломатлик ҳақида сўраб-суриштирадилар.

САЛОМАТЛИК ПОСБОНЛАРИ

Бугун биз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга, мустақил, демократик мамлакатда яшамоқдамиз. Аҳоли саломатлигини таъминлаш ҳукуматимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади. Бу борада қатор фармонлар ва қарорлар эълон қилинди, жойларда хайрли, кўламли ишлар амалга оширилди. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кириб келаётган Янги йилни бирор маъжозий ном билан аталиши анъанага айланди. Агар ушбу атамалар мазмун-моҳиятига эътибор бериб қарасак, уларнинг деярли барчасида халқимизнинг, айниқса, ёш авлоднинг саломатлигига, уларнинг ҳар томонлама баркамол вояга етишига ғамхўрлиги яққол англаймиз. Инчунун, якунланиб бораётган жорий йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб номланиши ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Жорий йилда Давлат дастури доирасида пойтахтимиздаги Яшнобод туманига қарашли 27-оилавий поликлиника жамоаси ҳам ўз режа ва лойиҳаларини ишлаб чиқиб амалга татбиқ этиб келмоқда. Кўзда тутилган ушбу режа ва дастурларимиз негизини, албатта, поликлиникамизга бириктирилган маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, беморларга ўз вақтида сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш каби муҳим ва долзарб жиҳатлар ташкил этади. Назарда тутилган вазифалар ҳар томонлама кўламли ва залворли эканлиги сир эмас. Уларни муваффақиятли адо этиш учун жамоанинг ҳар бир аъзосидан юксак касбий малака, чинакам масъулият ҳисси талаб этилади. Шу ўринда мамнуният билан таъкидлаш жоизки, бугунги кунда поликлиникамиз энг замонавий жиҳозлар, тиббий усуналар билан таъминланган. Бу ерда самарали ва сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Билимли, тажрибали шифокорлар, оёқ-қўли енгил, зукко ҳамшираларимиз поликлинамиз жамоасининг асосини ташкил этади.

Маълумки, айни кунларда юртимизнинг барча шаҳар ва туманларида “Патронаж оилиги”-ни ўтказиш қизғин давом этмоқда. Бу кенг кўламли ва эътиборли тадбирдан бизнинг жамоамиз ҳам четда эмас. Мазкур ойликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, поликлиникамиз ходимлари ўзларига бириктирилган маҳалла ва кўчаларга чиқиб, хонадонлардаги оғир беморларнинг, жумладан, эмизикли аёлларнинг, ногиронларнинг, уруш ва меҳнат фахрийлари бўлган қарияларнинг аҳволидан хабар оладилар. Уларга зарурий муолажа, тиббий хизмат кўрсатадилар. Ортиқча расмиятчиликдан, қоғозбозликдан холи тарзда хонадонларга ташриф буюрган шифокорнинг меҳри, ғамхўрлиги беморлар учун дори-дармондан қолишмайдиган аҳамиятга эгадир. Буни поликлиникамиз жамоаси яхши англайди. Шу боис хушмуомилаликни, дилкашликни ўзларига шиор қилиб олишган.

Халқимизда, ҳар қандай касални даволагандан кўра унинг олдини олган маъқул, деган серҳикмат нақл бор. Қолаверса, бу замонавий тиббиётнинг бирламчи вазифаларидандир. Шу боисдан ҳам бизнинг жамоа “Патронаж ойлиги”да маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида турли юқумли касалликлар, уларнинг олдини олиш борасида, шунингдек, эрта турмуш қуришнинг зарарли оқибатлари ҳақида давра суҳбатлари, қизиқарли учрашувлар ташкил этиб бормоқда. Мазкур учрашувларга таниқли тиббиёт олимлари, соғлиқни сақлаш тизимидаги раҳбар ходимлар жалб этилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Чунки маҳалла аҳли ўзаро фикр алмашув чоғида ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишади, баъзи бир ташкилий масалалар баҳамжиҳат ҳал қилинади. Поликлиникамиз жамоаси ўзларига бириктирилган ҳудудда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан шуғулланар экан, жойлардаги озодаликка, атроф-муҳит мусаффолигига, чиқиндилар муаммосига ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. Кўча-кўйда, маҳалла гузарларида тозалик, сариштalик бўлишига ўз ҳиссаларини қўшмоқда.

Бугун давр шиддат билан ўзгармоқда. Мустақил мамлакатимиз кундан кун ривожланиб, чиройига чирой қўшилмоқда. Табиийки, бундай жаннатмакон юртга соғлом одамлар, баркамол авлод ярашади. Биз айнан шу йўналишда хизмат қилиб, эзгу ишларга камарбаста бўлаётганимиздан беҳад хурсандмиз.

Нигора САИДОВА,
Яшнобод туманидаги
27-оилавий поликлиника
бош шифокори

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Auto Gold Grant” МЧЖ
Тошкент шаҳар филиали
очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2017 йил 31 январь куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар Чилонзор туман СИБ томонидан, Тошкент шаҳар хўжалик судининг 19.04.2013 й № 10-1319/1980-сонли ижро ҳужжатига асосан, “SPACE ARSENAL SERVICE” МЧЖда сақланаётган 1. “ВАЗ-21154-120-20” русумли, енгил, кварц рангли, 2008 йилда и/ч, т/н, д/б 10BG187, бўлган б/б – 13 074 000 сўм. 2. “Нексия” русумли, енгил, кумуш рангли, 2005 йилда и/ч, т/н, д/б 01 634 ОВА бўлган б/б – 21 287 000 сўм. 3.Тошкент шаҳар хўжалик судининг 20.10.2014й №10-1416/14501-сонли ижро ҳужжатига асосан “Автомотохаваскор” МЧЖда сақланаётган “Ласетти” русумли, енгил, кумушсимон рангли, 2009 йилда и/ч, т/н, д/б 01 550 UAA бўлган б/б – 40 882 000 сўм. 4. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 26.08.2013й №10-1313/11624-сонли ижро ҳужжатига асосан “Киа Оптима” русумли, енгил, тўқ қизил рангли, 2008 йилда и/ч, т/н, д/б 01 894 ТВА бўлган б/б – 44 089 500 сўм. 5.Тошкент шаҳар хўжалик судининг 07.10.2013й №10-12(1404/23541)-сонли ижро ҳужжатига асосан Чилонзор т. Бунёд кўчаси, 8-уйдаги Комрадор МЧЖда сақланаётган “ГАЗ-24” русумли, енгил, кулранги, 1973 йилда и/ч, т/н, д/б 10 АВ 841 бўлган б/б – 2 678 000сўм. Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 31 январда ўтказиладиган аукцион савдоси учун 2017 йил 29 январь куни, соат 18:00 да тўхтатилади.


Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00дан 17.00гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузиладиган “закалат тўғрисидаги келишув”-га асосан закалат пули тўланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусхаси, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Auto Gold Grant” МЧЖнинг АИТБ “Ипак йўли банк” Миробод филиалидаги 2020 8000 8004 2284 9004 ҳисоб рақамига МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт. Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96

Гувоҳнома №05791

Реклама ўрнида















Болаларнинг қувончи чексиз.

Спорт янгиликлари

Шу кунга қадар "Локомотив" футбол мактабининг турли ёш тоифадаги жамоалари курраи заминнинг турли минтақаларида ташкиллаштирилган фестиваль ҳамда халқаро турнирларда иштирок этиб келишаётган эди.

"ЛОКОМОТИВ"НИНГ ХАЙРЛИ ТАШАББУСИ

Эндиликда "Локомотив" клуби хайрли ташаббусга қўл урди. Яъни, илк марта Loko Cup болалар фестивали пойтахтимизда ташкил этилди.

Ахборот технологиялари университети спорт саройида уюштирилган фестивалда "Локомотив" клубининг Тошкент шаҳри, Сурхондарё, Наманган вилоятларида фаолият олиб бораётган жамоалари, шунингдек, "Локомотив"нинг 2011-2012 йилларда тавалуд топган тарбияланувчиларидан таркиб топган жамоалари ҳамда пойтахтимизнинг "Спартак" командасининг 2009-2010 йилларда туғилган болалари жамоалари иштирок этишди.

ҲАМЮРТИМИЗ ФИНАЛДА ЎЙНАДИ

Туркияда аёллар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирнинг жуфтлик беллашувларида Сабина Шарипова финалда иштирок этди.

Нуфузли мусобақанинг жуфтлик беллашувларида россиялик Екатерина Яшина билан ҳамкорликда ўйнаган Сабина Шарипова финалда россиялик Анна Блинкова ва беларуслик Лидзия Марозова билан куч синашди.

Қарийб бир ярим соат давом этган учрашувнинг биринчи сетида Сабина ва Екатерина 6:4 ҳисобида зафар қучган бўлса-да, қолган сетларда рақиб томон устун келди.

Шу тариқа турнирнинг жуфтликлар ўртасидаги бош соврини Анна ва Лидзияга насиб қилди.

ВАТАНДОШИМИЗ КУАЛА-ЛУМПУРГА БОРАДИ

ФИФА рефериси Владислав Цейтлин келгуси йили 45 ёшни қарши олади. ЎФФ расмий сайти хабарига кўра Цейтлин халқаро доирадаги ҳакамлик фаолиятини якунлайди.

Қувонарлиси, Осиё футбол Конфедерацияси Цейтлинга рефери сифатида кўрсатган узоқ йиллик хизмати учун минатдорчилик билдириш ва уни бўлажак инструктор сифатида таништириш мақсадида Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрига таклиф этди. Демак, ҳамюртимиз 19 январь куни Малайзияга боради. Дарвоқе, Цейтлин Ўзбекистон чемпионати ва Кубоги баҳсларида ҳакамлик фаолиятини давом эттиради. Чунки, мамлакатимиздаги қоидага кўра ҳакамлар 48 ёшгача рефералик фаолиятини давом эттиришлари мумкин. Эслатиб ўтамиз, Цейтлин жорий йилнинг 10-19 май ҳамда 20-27 октябрь кунлари УЕФАнинг ҳакамлар маҳоратини ошириш маркази махсус дастури доирасидаги инструкторлик ўқув-курсларида таҳсил олиб қайтган.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ДУНЁ РЕЙТИНГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

ФИФА ташкилоти аёллар терма жамоалари учун дунё рейтингини тақдим этди.

Унга кўра Ўзбекистон аёллар терма жамоаси 1540 очко билан дунё рейтингида 42-ўриндан жой эгаллаган. Осиё Футбол Конфедерациясига аъзо мамлакатлар орасида эса 9-ўринда бормоқда.

Бу рейтингга кўра Америка Қўшма Штатлари 2140 очко билан пешқадамликни қўлга олган. Кучли бешликни эса Германия (2109), Франция (2041), Канада (2031) ҳамда Англия (2030) аёллар терма жамоалари якунлаб қўйишган.

Кейинги ўринларда Австралия (1984), Япония (1982), Швеция (1977), Бразилия (1961) ва Шимолий Корея (1952) аёллар терма жамоалари банд қилишган.

Ботир ХЎЖАЕВ

"101"

ЛОҚАЙДЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙЛИК

Ёнғинни "тилсиз ёв" дея бежиз таърифлашмайди. Эҳтиётсизлик ва турли қоидабузарликлар натижасида чиққан ёнғинлар бир неча лаҳзада бутун атрофни қамраб олиб, одамларнинг шахсий мол-мулклари, бино ва иншоотларга катта зарар келтиради.

Ёнғинлар натижасида майиб-мажруҳ бўлиб қолаётганлар ҳам оз эмас. Бундай ҳодисаларнинг аксарият қисми аҳоли турар жойларида содир бўлишини эса лоқайдлик ва бепарволикка йўйсак адашмаймиз. Яъни, айрим фуқароларнинг ўз уйларида эътиборсизлик ва масъулиятсизликка йўл қўйишлари, дазмол, табиий газдан фойдаланишда хавфсизлик қоидаларига амал қилмасликлари, ўринда ётиб чекишлари оқибатида ёнғинлар содир бўлмоқда.

Аслида, ҳар бир фуқаро кундалик турмушида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилса турли офатлар ва кўнгилсизликларнинг олди олинган бўлар эди. Ҳа, "тилсиз ёв" бўлган олов фасл ва вақт танламайди, кутилмаганда озгина эҳтиётсизлик ва бепарволик оқибатида рўй беради.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилсангиз давлат ва шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Фарҳод МИРЗАЕВ,
12-ҲЁХО инспектори
Содиқ ХАЛИЛОВ,
12-ҲЁХО катта инспектори

* * *

Электр қурилмаларини ўрнатиш ва улардан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишни қатъий талаб этади. Сабаби бундай ускуналарнинг нотўғри ўрнатилиши ёки улардан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш ёнғин ҳолатларини келтириб чиқариш эҳтимоли катта. Шу боис уларни ўрнатиш ва фойдаланишда техник хавфсизлик қоидалари ишлаб чиқилган.

Унга кўра электр двигателлар, бошқариш, ёқиш-бошқариш аппаратлари ўрнатилишида ҳимоя даражаси зона синфларига тўғри келиши ҳамда қисқа туташув ва кўп юкланишдан ҳимоя воситалари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

Иш вақти тугагандан сўнг беркитилиб, навбатчи томонидан назоратсиз қолдириладиган барча хоналардаги электр ускуна ва анжомлари электр манбаидан узиб қўйилиши керак (автоматлашган ёнғин ўчириш, қўриқлаш ва ёнғиндан дарак бериш ва шунга ўхшаш туну кун ишловчи электр ускуналаридан ташқари).

Томоша залларида 800 ва ундан ортиқ ўриндиқлари бор бино ва иморатларда, ўриндиқлар сонидан қатъи назар болалар театрлари, сарой ва бошқа томоша заллари электр токи ўчган вақтда автоматик равишда аккумулятор батареяларига ёки бошқа электр манбаига уланиши, автоматлашган ёнғин ўчириш, ёнғиндан хабар бериш, тутундан ҳимоялаш мосламалари билан таъминланиши лозим.

Шунингдек, чиқиш йўлларини кўрсатувчи ёруғлик мосламалари чиқиш эшикларининг юқорисида ўрнатилиши, уларнинг ранги бошқаларидан ажралиб туриши ва авария ҳолатларида ёритиш электр энергиясига автоматик тарзда уланиши керак.

Шундагина бахтсиз ҳодисалар юзага келиши камаяди.

Абдулла АДИЛОВ,
22-ҲЁҲҚ инспектори, сержант

Ўлкамизда қиш фасли ҳукмрон сураётган паллада ҳавонинг совиши кўпчиликни шошириб қўйиши табиий. Совуқ кунда аксарият аҳоли табиий газда ишлайдиган иситиш мосламаларидан фойдалана бошлайди. Айрим фуқароларнинг эътиборсизлиги ҳамда ностандарт ёки носоз иситиш жиҳозларидан фойдаланишлари оқибатида ёнғинлар содир бўлиб, ис газидан заҳарланиш ҳолатлари юзага келаётганлигини таҳлиллардан кўриш мумкин.

ТАБИИЙ ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШДА ХАВФСИЗЛИК ЧОРАЛАРИ

Айрим фуқаролар томонидан эҳтиётсизлик ва техник қоидаларга риоя этмаслик, ностандарт ёки носоз бўлган иситиш мосламаларидан фойдаланиш натижасида газ ва ҳаво аралашмасининг чақнаши ва ёнғинлар содир бўлиб фуқароларнинг куйиш, тан жароҳати олиши, уй-жой ва мол-мулк ёниб кулга айланиб, бошпанасиз қолиш ва айрим ҳодисаларда инсонларнинг бевақт кўз юмиш ҳолатлари рўй бераётгани ачинарлидир.

Республикамизда "Ёнғин хавфсизлиги кунлари" уюшқоқлик билан ўтаётган паллада "Тошкентшаҳаргаз" филиали ва унинг таркибидаги барча тумангаз фойдаланиш хизматлари томонидан мазкур тадбирни ишлаб чиқаришда ташкиллаштириш ва уни тегишли чора-тадбирлар режа асосида ўтказиш белгилаб олинганлиги ўз самараси бериши шубҳасиз. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, умумтаълим мактаблари, олий таълим, даволаш-профилактика муассасаларида "Табиий газдан хавфсиз фойдаланиш" мавзуида ўтказилаётган давра суҳбатлари ҳамда кенг қамровли тарғибот ва ташвиқот ишлар шулар жумласидандир.

Ҳамшаҳарларимиз орасида ис газидан заҳарланиш ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш борасида Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар, Ёнғин хавфсизлиги бошқармалари, ИИБ ходимлари ва маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари билан биргаликда жойларда кенг қамровли тадбирлар ўтказилмоқда.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, ис гази бу — рангсиз ва ҳидсиз газлиги, унинг хавфли томони инсон нафас олиш йўли ўпка орқали қон ҳужайраларига кириб, мавжуд бўлган кислород ўрнини эгаллайди. Бунинг оқибатида организмда кислород етишмаслиги юз беради ва бу ҳолатда тезкор тиббий муолажа кўрилмаса инсонни ҳаётдан кўз юмишига олиб келиши мумкин.

Агарда хонадонингизда газ ҳидини сезиб қолсангиз, дарҳол тумангаз авария диспетчерлик хизматига ёки "Тошкентшаҳаргаз" марказий авария диспетчерлик хизматининг – 104; 255-44-27, 255-44-29; 253-56-19 телефон рақамларига мурожаат қилинг.

А.САИДВАЛИЕВ,
"Тошкентшаҳаргаз" филиали Саноат хавфсизлиги хизматининг муҳандиси

АСАББУЗАР ПАҚИЛДОҚЛАРГА ЧЕК ҚЎЯЙЛИК!

Бу воқеа 2015 йилнинг айнан Янги йил байрами арафасида содир бўлган. Чилонзор туманида жойлашган "Абу Саҳий" бозорининг олдида кетаётган профилактика инспектори "Дамас" русумли автомашинадан атрофга шубҳали қараб, икки қоп нарсани тушираётган ўрта ёшли кишиларга кўзи тушди. Уларга қараб яқинлашаётган мелиционерни кўрган икковлон, қопларни ташлаб, машинада қочиб қолдилар. Қопни очиб, унга назар ташлаган профилактика инспекторининг уларни қўлдан чиқарганидан жаҳли чиқди: икки қоп тўла пиротехника маҳсулотлари эди.

Афсуски, бир неча йиллардан буён, пиротехника маҳсулотлари Янги йил байрамининг асосий "меҳмони" бўлмоқда. Кўплаб ҳамюртларимиз бозорларда, аҳоли гавжум жойларда яширинча сотилаётган салютлар, петардаларни харид қилиб, байрамни кутиб олмоқдалар. Сифатсиз пиротехникадан нотўғри фойдаланиш натижасида нафақат болалар, балки ёши катта инсонлар ҳам жиддий тан жароҳатлари олмоқдалар. Бизнинг иш фаолиятимизда пиротехника маҳсулотларидан азият чеккан инсонлар қутқарган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, пойтахтимизда таҳсил олаётган бир гуруҳ талабалар Янги йил куни хона ойнасидан салют отганлар. Лекин салют отилмаган. Шунда шаддод бир талаба уни қўлига олиб силкита бошлаган. Зарбнинг қаттиқлигиданми, силкинишданми, кетма-кет салютлар отила бошлаган ва хонадаги пардаларга илашиб, олов ҳосил бўлган. Бир неча дақиқаларда ёнғин содир бўлиб, байрам азага айланишига бир баҳя қолган. Талабалар ўз кучлари билан оловни бартараф этганлар, лекин акси бўлиши ҳам мумкин эди.

Пиротехника маҳсулотлари мактаб ўқувчилари орасида жуда кенг тарқалган ўйинчоқдир. Улар бир-бирига пақиллатиб, отиб ўйнашади. Пойтахтимиздаги мактабларнинг бирида бир ўқувчи синфдошига ҳазил қилиб "Трения"ни гугурт мисоли ёқиб отган. Қаттиқ товушдан бир кекса аёлнинг юраги хуруж қилган, бошқа жойда беҳос отилган пақилдоқ қўрқиб кетган ҳомиладор аёлнинг шифохонага тушишига сабаб бўлди. Марат исмли 10 яшар мактаб ўқувчиси салют отаётганида қўлида портлаб кетиб, икки бармоғидан айрилди.

Ўз-ўзидан савол туғилади: нега айрим ота-оналар пиротехника маҳсулотларини соғлиққа, атрофдагиларга зарарлигини, пиротехниканинг қанчалик хавфли эканлигини билсаларда, фарзандларига олиб берадилар.

Аслини олганда, юртимизда пиротехника воситаларининг сотилиши 1998 йилдан буён тақиқланган бўлса-да, айланма йўллар билан кириб келаётган ушбу маҳсулотлар савдо расталарида пайдо бўлмоқда. Унинг ҳеч қандай лицензияси бўлмаганлиги сабабли, йирик савдо марказларидан топа олмайсиз. Лекин катта сумкаларни кўтариб, беркитиб сотаётган шахслар хам, афсуски орамизда йўқ эмас.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш борасида, Тошкент шаҳар ИИББ қуйи тизимлари, жумладан, Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси, Пост-патруль хизмати, ЖҚваТҚКБ, Қўриқлаш хизмати, ХООБ профилактика инспекторлари ва бошқа тизимлар билан ҳамкорликда пиротехника маҳсулотларини пойтахт ҳудудига айланма йўллар билан кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш ҳамда савдодан олиб қўйишни ташкил этиш борасида қатор ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, Тошкент шаҳрида пиротехника маҳсулотларининг сотилиши ва тарқатилишининг олдини олиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида махсус гуруҳлар тузилиб, улар томонидан 2300дан ортиқ рейдлар ўтказилди.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак жойларда қўлбола ясалган ва сифати паст бўлган, сертификат ҳамда лицензияга эга бўлмаган пиротехника маҳсулотлари бизнинг мамлакатимизга айланма йўллар билан кириб келиб, фуқароларнинг мол-мулклари ёнишига, тан жароҳатлари олишларига ва бир умрга ногирон бўлиб қолишларига олиб келмоқда. Ушбу иллатдан қутулиш учун, барчамиз бирдек кураш олиб боришимиз керак. Пиротехника маҳсулотлари сотилаётганлигининг гувоҳи бўлсангиз "101" – ёнғин хавфсизлиги хизмати ёки "102" – ички ишлар органлари телефон рақамларига мурожаат этинг. Ушбу тадбирда фаол иштирок этаётган юртдошларимизга олдиндан ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Умид ЮЛДАШЕВ
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ ЁОО ва ЁНТЭБ катта муҳандиси, капитан

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **29 декабрь** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан гарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 3-5, кундузи — 6-8 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **29 декабрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1255
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 4 босма табоқ, офсет усулида босилади. 4637 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15.05
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ